

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 11 июнь, № 123 (7625) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Ҳаммамизга аёнки, бирон-бир давлат якка ҳолда ушбу пандемия балосига қарши самарали кураш олиб бора олмайди. Биз бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш тутишимиз лозим. Биз биргаликда кўп нарсага қодирмиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБИ




### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Муҳтарам Президент Жаноблари!**

Сизга ва 2020 йил 1 май куни Сардоба сув омборининг тўғони қисман қулаши оқибатида жабрланганларга ҳамдардлик билдираман. Сув остида қолган уйлар, кўчирилган аҳоли, вайрон бўлган йўллар ва фермер хўжаликлари тасвирларини кўриш қалбни ларзага солади.

Шахсий эътибор ва тезкор чоралар кўриш орқали Сиз лидерлик хусусиятларини намойиш этдингиз. Давлат департаменти ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳам ушбу фожиага жавобан дарҳол чора кўрдилар ва кўмак кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз учун маблағ ажратдилар.

Америка Қўшма Штатлари ушбу мушкул пайтда Ўзбекистон ва унинг халқига елкадошдир.

Шу билан бирга, коронавирусга қарши курашда биргаликда иш олиб борар эканмиз, ушбу мудҳиш пандемияга қарши чора-тадбирлар учун ёрдам бўйича сўровингиз тез фурсатларда кўриб чиқилишини таъминлаш учун маъмуриятимга кўрсатма бердим.

**Ҳурмат билан,**

**Дональд ТРАМП,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

## ЭЗГУЛИК ЧЕГАРА ТАНЛАМАЙДИ

*Сайёрамиз кутилмаган синовга дуч келди. COVID-19 деб аталмиш вируснинг дунё мамлакатларини жиддий имтиҳондан ўтказаётгани, барча соҳа, айниқса, иқтисодиёт, тиббиёт, таълим йўналишларига таъсири бу борада янги, илғор ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини яққол ифода этди. Сабр-бардош, матонат, саховат, мурувват, бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар ҳар қачонгидан-да аҳамиятга эга бўлгани ва уни тарбия омили сифатида янгича руҳда изчил ривожлантириш, кенг ёйиш, ибрат олиш тўғри чоралардан бири эканлигини барчамиз кўриб, кузатиб турибмиз. Қадриятлар қадрланган юртда эса халқнинг бунёдкорлик салоҳияти, ватанпарварлик, масъулият ва ботинида яшаётган миллий ғурур, меҳр-оқибат, мардлик, инсонпарварлик қуввати юзага чиқади. Бунинг натижасини тинч ва фаровон юртимиз мисолида ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буни дунё тан олмоқда.*





### Карантиндаги юз кун

Мамлакатимизда карантин эълон қилинганига ҳадемай юз кун бўлади. Ўзбекистон пандемия даврида коронавирус келтириши мумкин бўлган талафотларга қарши комплекс ёндашувни ишлаб чиқди. Давлатимиз пандемия билан боғлиқ жараёнларнинг изидан қувиб эмас, балки унинг барвақт олдини олиш учун бор куч ва имкониятларини ҳамда ресурсларни сафарбар этди.

Мавжуд вазият ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, бўлажак хавф-хатарлар, улар билан боғлиқ муаммолар олдиндан прогноз қилинди, уларнинг ечимига аниқ режа ва пухта чоралар ишлаб чиқилди.

Касалликни енгиш бўйича барча давлат ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик янада кучайтирилди. Хитой, Жанубий Корея, Россия, Исроил, Буюк Британия, Германия ва Япониянинг етакчи мутахассислари билан беморларни даволаш бўйича телемедицина орқали мулоқотлар йўлга қўйилди, уларнинг тавсиялари ўзимизда фаол жорий этилди.

Асосийси, Ватанимизда яшаётган ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ҳамда жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаяпти.

➜ 4

Муносабат

## «Фахрий мураббий» ордени – мураббийлар меҳнатига эътибор, эътироф ва рағбат

*Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти, жадал ривожи, муайян ютуқларга эришуви, халқ фаровонлиги бевосита ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор билан чамбарчас боғлиқ, десак, муболаға бўлмайди.*

Табиийки, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар сифатида камолга етказишдек масъулиятли иш мураббийлар зиммасида эканлиги барчамизга аён. Шу боис ҳам юртимизда ана шу фидойи касб эгалари доимий равишда рағбатлантириб келиняпти. Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган “Фахрий мураббий” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бунинг яна бир исботи бўлди.

➜ 2

Анжуман

## Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид масала — кун тартибида

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси мисолида БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларини амалга оширишда парламентнинг роли” мавзуида видеоконференцалоқа шаклида*



Мазкур тадбир Ўзбекистон парламентаризми тарихида илк марта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан дунё парламентларининг халқаро нуфузли ташкилоти — Парламентлараро Иттифоқ, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ташкил этилди.

Унда Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари вакили Жанни Магазени, Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, ЕХҲТ ДИИҲББ ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик экспертлар, депутатлар, сенаторлар иштирок этди.

Халқаро парламент куни арафасида ўтказилган ушбу форум конструктив мулоқот онлайн майдонига айланди. Унда Парламентлараро Иттифоқ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Ўзбекистон парламенти раҳбарларининг маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, миллий парламентлар халқаро муносабатлар, фаровонликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳам миллий, ҳам халқаро даражаларда қонун устуворлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Хусусан, бу борада Олий Мажлис Сенати томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

➜ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

## ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ – БЕБАҲО НЕЪМАТ

*Бугун воқеалар тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, шиддатли ва айни пайтда ўта мураккаб замонда яшамоқдамиз. Мамлакатнинг тинчлиги, сарҳадларининг дахлсизлиги нафақат ҳарбий хизматчиларга, балки фуқаролар қонунларга қанчалик риоя этишига ҳамда қадриятларни ҳурмат қилишларига ҳам боғлиқ.*

Ахборот технологиялари ривожланган, масофа билмас ахборот даврига айланган бугунги кунда ҳар биримиз улкан маълумотлар оқимига нисбатан сергак ва ҳушёр назар ташлашимиз, шунингдек, барча бўғинда муҳим вазифаларимиздан бири бўлган юрт тинчлиги ҳамда хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёндашишимиз талаб этилади.

Ушбу жиддий эътибор талаб этиладиган ҳолат мамлакатимизда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмоний ва интеллектуал тайёргарлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилишига туртки бўлди.

➜ 2

Парламент дипломатияси

## Халқаро майдонда миллий манфаатлар кафолати

*Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда парламентнинг ролини янада кучайтириш мақсадида Парламент дипломатияси концепциясини тасдиқлаш назарда тутилган.*

Бугунги кунда Олий Мажлис палаталари ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан Парламент дипломатияси концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти мазкур ҳужжатнинг мақсади, вазифалари, принциплари ҳамда йўналишларини ишлаб чиқишда иштирок этди. Концепция лойиҳасини ишлаб чиқишда, аввало, миллий амалиёт ва бу борадаги норматив-ҳуқуқий базамизда белгиланган устувор мақсадлар ҳамда вазифалар ўрганилди, шунингдек, халқаро ва хорижий тажриба ҳам таҳлил қилинди.

Ушбу концепцияни тасдиқлаш арафасида парламент дипломатиясининг миллий ҳамда халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишдаги ўрни тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз.

Таҳлилларга кўра, парламент дипломатиясининг миллий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишдаги ўрни сўнгги 20 йилликда сезиларли равишда ошганини кузатиш мумкин.

➜ 2



# Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид масала — кун тартибида

←1

Парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева таъкидлаб ўтганидек, Парламентлараро Иттифоқ тавсияларига мувофиқ Олий Мажлис тузилмасида БРМ бўйича Парламент комиссияси ташкил қилинди. Шунингдек, Универсал даврий ҳисобот доирасида Гендер тенглик масалалари бўйича комиссия ўз фаолиятини бошлади, Сенатда Гендер тенглик масалалари бўйича қўмита, шунингдек, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия тузилди. Айни чоғда ҳар йили Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликларининг ҳисоботлари эшитилмоқда.

Бундан ташқари, сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари учун инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича мунтазам ўқувлар ташкил қилиниб келиняпти.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов мамлакатда қонунчилик-ҳуқуқий база такомиллаштириб борилаётгани, Ўзбекистонда миллий парламент қадриятлари вужудга келгани, бу борада халқаро ва энг яхши хориж тажрибасидан фойдаланилаётганини таъкидлади. Бу эса давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги сифатини ошириш, парламент назоратини кучайтириш, фуқаролар ҳаётини яхшилашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласини фаол илгари сурмоқда. Бу фаолият халқаро мажбуриятларни бажариш ва уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш, қабул қилинган қонунлар самарадорлигини мониторингдан ўтказиш, БМТнинг устав ҳамда шартномавий органлари тавсиялари ижроси ва бошқа йўналишлар бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқиш йўли билан олиб бориляпти.

— Ўзбекистон парламенти халқаро парламент жамоатчилигининг тенг ҳуқуқли аъзосидир ва Парламентлараро Иттифоқ ҳамда бошқа халқаро парламентлар форумларида фаол иштирок этяпти, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов. — Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқ ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг "Парламент ва инсон ҳуқуқлари принциплари"ни қабул қилиш, БМТнинг 75 йиллиги бўйича Декларацияга бугунги халқаро муносабатларда миллий парламентлар ҳамда Парламентлараро Иттифоқнинг роли тўғрисидаги қоидаларни киритиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Якунда форум парламент аъзоларининг конструктив мулоқотини давом эттириш, инсон ҳуқуқлари, барқарор тараққиёт ва ҳамкорлик йўналишларидаги парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилиши эътироф этилди.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «Фахрий мураббий» ордени – мураббийлар меҳнатига эътибор, эътироф ва рағбат

←1

Қонунга кўра, "Фахрий мураббий" ордени билан ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоялардан асраб-авайлаш, адашганларни тўғри йўлга солиш, ёш авлод вакилларида фаол фуқаролик позицияси ва мафкуравий иммунитет ҳамда ташаббускорлик, фидойилик ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган, чуқур билим ҳамда бой ҳаётий тажрибаси билан ёрдамга муҳтож, оғир аҳволга тушиб қолган ёшлар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, тадбиркорликка ўргатиш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида барчага шахсий намуна кўрсатиб келаётган юртдошларимиз мукофотланади. Шу вазифаларни масъулият билан бажарган мураббийлар ҳам мазкур орденга сазовор, деб топилади.

Уюшмаган ёшлар ва кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар фарзандларини касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ҳамда чорвачиликка кенг жалб қилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида фидойилик кўрсатган, ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилаларда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, нотинч ҳамда ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни тиклаш, ёлғиз аёлларга ҳаётда мустақил бўлишга кўмак берган фуқаролар ҳам шу мукофот билан тақдирланадилар.

"Соғлом оила — соғлом жамият" деган эзгу ғояни ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ этишда жонбозлик кўрсатган, маҳалласида ёшлар учун беғараз асосда мактаб, боғча, маданият ва спорт иншоотларини барпо этган ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкиллаштиришга раҳбарлик қилган, туман ва шаҳарларни ёт ғоялардан ҳоли ҳудудга айлантиришга қаратилган ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий ишларда юксак натижаларга эришган ва ибратли фаолият кўрсатаётган фуқаролар ҳам ушбу орденга муносиб кўрилади.

Аёнки, ҳозирги коронавирус пандемияси шароитида юртимизда таълим жараёни тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, фидойи устоз ва мураббийлар ёшлар онлайн тарзда билим олишлари учун телевидение ҳамда интернет тармоқлари орқали сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Уларнинг ушбу машаққатли фаолиятини рағбатлантиришда мазкур орден айни муддаодир.

"Фахрий мураббий" орденининг таъсис этилиши мураббийларга кўрсатилаётган эътибор, эътироф ва рағбатнинг юксак намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚ ОСОЙИШТАЛИГИ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

←1

Бундай кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга ошириш баробарида соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилиши мамлакат тинчлиги ва хавфсизлиги таъминланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомилига етказишга қаратилган муҳим қадамдир.

Лойиҳага кўра, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонунларнинг қатор моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ йўналишдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, соҳада қўлланиладиган тушунча ва атамаларнинг бир хил талқин этилишига имкон беради.

Хусусан, қонун ҳужжатида ҳарбий хизматчиларнинг Ватан олдидаги бурчини бажаришдаги иштиёқини ошириш учун ҳарбий унвонлар бериш, ҳалол ва чин кўнгилдан адо этилган хизмат давомида ҳарбий унвонларга эришиш тизимига сезиларли ўзгартишлар киритилмоқда. Ўз бурчини виждонан бажарган ҳар бир хизматчининг ҳарбий унвонлари юқорилаб бориши уларнинг ҳарбий хизматга бўлган муносабатини ўзгартиради.

Дунёнинг турли минтақаларидаги мураккаб вазият мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга ундайди. Кенгайтирилган йиғилишда қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида қўмита аъзолари ва иштирокчилар томонидан мамлакатимиз барқарорлигига таҳдид солувчи ҳар қандай воқеа ҳамда ҳодисанинг олдини олиш, халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, фуқаролар тотувлиги, хонадонларда аҳиллик ҳамда ўзаро ҳурмат муҳити, жаҳолатга қарши маърифат туйғуси, ҳурфикрлилик, жамиятимиз ҳар бир аъзосининг бунёдкорлик салоҳиятини, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш ҳар биримиздан фидойи ва ташаббускор бўлишни тақозо этиши таъкидланди.

Жаҳонда рўй бераётган оммавий чиқишлар билан боғлиқ воқеа ҳамда ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам турлича эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Айрим ҳолларда фуқаролар ўз эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, йиғилиб қолган ижтимоий ҳамда иқтисодий муаммоларга эътиборни қаратиш мақсадида қонун доирасида ўтказаётган норозилик намойишларидан давлатнинг асосларига зарба беришга интилувчи ғараз ниятли кучлар ўз мақсадларида фойдаланмоқда.

Ахборотлар яшин тезлигида тарқаладиган ҳозирги даврда Ер юзининг исталган нуқтасида юз берган воқеадан бир неча сония ичида бутун дунё аҳли хабар топмоқда. Бугун АҚШ, Европанинг қатор давлатларида бўлиб ўтаётган намойишлар бутун дунё жамоатчилиги томонидан диққат билан кузатилмоқда.

Таъкидлаш кераккки, ҳар қандай намойишни қонун доирасидан четга чиқилган ҳолда ўтказиш натижасида тартибсизликлар келиб чиқиши, бунинг оқибатида, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қонунчиликда митинглар, намойишлар, йиғилишлар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш механизми ҳисобланиб, улар демократиянинг муҳим омиллари, деб тан олинади.

Аммо тинч намойишлар тартибсизлик ҳамда ўзгаларнинг ҳаёти ва мулкига зарар етказишдан фарқланиши, унда юрт тинчлиги ҳамда хавфсизлигига таҳдид солувчи, вайронкор ғоялар бўлмаслиги ва улар ғараз ниятли кучлар томонидан бошқарилмаслиги ҳамда амалга оширилмаслиги лозим.

Йиғилиш иштирокчилари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини муҳокама қилиш асносида Сўх туманида содир бўлган воқеалар атрофида ҳам тўхталиб ўтишди. Ушбу воқеалар сабаблари Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатларининг ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари давомида ўрганиб чиқилади. Аммо ушбу ҳолатдан икки қўшни халқ ўртасидаги дўстона муносабатга, мамлакатимиз осойишталигига рахна солишга интилаётган кучлар фойдаланишига имкон бермаслигимиз лозим.

Бугунги глобаллашув жараёнида ахборотга эгалик қилиш, уни ўз мақсадлари йўлида тарқата билишга қодирлик дунёда содир бўлаётган воқеликни бошқариш имкониятини бермоқда. Қайсидир кучлар ўз манфаатларини устун қўйиб, бутун бир халқнинг тинчлиги бузилишига, айрим мамлакатларнинг ижтимоий ва иқтисодий инқирозга юз тутишига сабабчи бўлмоқда.

Йиғилиш якунида қўмита аъзоларига ҳар қандай оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган масалаларни таҳлилий ўрганиб, келгусида уларга йўл қўймаслик, зарурат бўлса соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан асосли таклифлар киритиш тавсия этилди.

**«Халқ сўзи».**

## Акс садо

# ИМТИЁЗ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

*Кейинги йилларда мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнеснинг ушбу шакли билан шуғулланаётганларга кўплаб имтиёз ҳамда шароитларни яратиб бериш мақсадида барча куч ва имкониятлар сафарбар этиляпти. Солиқдан озод этиш бўладими, энергия ресурслари тўловидаги имтиёзларми, маҳсулотни сотишдаги эркинликми, хуллас, ҳаммаси муҳайё қилинмоқда.*

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 июнда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ушбу имтиёзлар яна биттага кўпайди.

Унга кўра, эндиликда ўзини ўзи банд қилганлар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланган ва иштирокчилари сони камида 3 нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоиз камайтирилган ставкада тўлаши мумкин. Айтиш керакки, бу — ҳар бир оиланинг бизнес билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун жуда катта имконият. Умуман олганда, қарорда ўзини ўзи банд қилган шахсларга кўплаб қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Ҳар қандай қарор ижроси билан кучли, албатта. Шу маънода, ушбу қарорда берилган имтиёз ва имкониятлар мазмун-моҳиятини, аввалambor, халқимизга тушунтириш, қарорда назарда тутилган вазифалар ижроси устидан самарали депутатлик назоратини олиб бориш зиммамиздаги асосий вазифалардан бири бўлиши керак. Негаки, биз ушбу қарорда акс этган имтиёзларни қанчалик оддий, содда тилда ҳар бир оилага етказа олсак, халқ вакили сифатида унинг ижросини қатъий назорат қилсак, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сафи ўз-ўзидан кенгайиб бораверади. Улар солиқ ёки бошқа шу каби масалаларда учрайдиган хавотирлардан чўчимасдан иш бошлайдилар.

**Дилбар УСМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# Таълим-тарбия тизими ходимларини янги марраларга илҳомлантиради

*Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан етук, интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган "Фахрий мураббий" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Қонун ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин.*

Янги таъсис этилган "Фахрий мураббий" ордени билан ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан асраш, адашганларни тўғри йўлга солиш, ёш авлод вакилларида фаол фуқаролик позицияси ва мафкуравий иммунитетни ҳамда ташаббускорлик, фидойилик ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган инсонлар тақдирланади. Шунингдек, ўзининг чуқур билими ва бой ҳаётий тажрибаси билан ёрдамга муҳтож ҳамда оғир аҳволга тушиб қолган ёшлар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш ҳамда тадбиркорликка йўналтириш борасида барчага шахсий намуна кўрсатаётган мамлакатимиз фуқаролари ҳам мукофотланадилар.

Дарҳақиқат, ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун устоз ва мураббийнинг ўрни беқиёс. Гарчи мураббий деган сўз айнан ўқитувчиларга нисбатан ишлатилса-да, ҳаётда ҳар биримиз қайсидир маънода устозмиз. Бу орден ва шу каби юксак мукофотлар нафақат ўқитувчи, балки ёшлар таълим-тарбиясига алоқадор барча мутахассисларга ўз меҳнатининг ҳосилини кўриш имкониятини беришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли "Умид" мактаб-интернати директори сифатидаги фаолиятим давомида мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва педагогларга кўрсатилаётган рағбат нақадар катта эканлигини ҳамда натижалар ҳам шунга яраша бўлаётганлигини кўриб-билиб турибмиз. Мамлакатимизда 11 йиллик таълим жорий қилинганидан кейинги икки йилда мактаб-интернатимиз битирувчиларининг 70 фоизга яқини олий ўқув юртларига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Интернат инглиз тилини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган бўлиб, битирувчиларимизнинг аксарияти хорижий ўқув юртларининг мамлакатимиздаги филиаллари ҳамда чет элдаги олий ўқув юртлари талабаси бўлмоқда.

Албатта, ҳаётда ҳеч бир нарсага осонгина эришиб бўлмайди. Инсон камолотида, унинг ҳар бир ютуғида устоз-мураббийларнинг хизмати беқиёс. Интернатимизда ишлаётган 65 нафар ўқитувчининг 52 фоизи олий ва биринчи тоифали ўқитувчилардан иборат. Таълим сифати эса кўп жиҳатдан малакага боғлиқлигини яхши англаган ўқитувчиларимиз ўз устида кунт билан ишлашдан толмайди. Уларнинг аксарияти мактаб-интернат негизида илмий изланишлар олиб бориб, фан доктори илмий даражасига эришмоқда. Бу ҳам бўлса мамлакатимизда биз, ўқитувчиларга яратиб берилаётган шарт-шароит ва юксак эътиборнинг амалий натижаси, деб биламиз.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур орден ҳам соҳа ходимларини янги марралар сари илҳомлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Санобар СУЯРОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

Рақамли иқтисодиёт:

# САМАРАЛИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

*Маълумки, бу йилги Давлат дастурида ахборот технологиялари, рақамли иқтисодиётни кенг татбиқ этиш масаласига ҳам катта ўрин ажратилган. Улар қуйидагилар:*
* *"Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;*
* *"Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш;*
* *маҳаллий IT-технологиялари бозори салоҳиятини ошириш;*
* *давлат маълумотларини электрон бошқариш тизимини яратиш.*

## Дастур ва ижро

Президентимиз мамлакат ёшлари билан бўлган учрашувда ҳам жойларда 16 қаватли IT паркларини қуриш таклифини илгари сурган эди. Шунга кўра, Тошкент шаҳрида юқори даражада жиҳозланган илк IT парк барпо этилди. Навбатдагиси Андижон шаҳрида ишга туширилди. 2020 йил охирига қадар бу каби IT парклар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Айни чоғда Бухоро вилоятида ушбу йўналишдаги ишлар бошланган. 2021 йилда Бухоро шаҳридаги **"Bukhara City"** замонавий ишбилармонлик ва тураржойлар маркази ҳудудида қиймати **11 миллион АҚШ долларига тенг** бўлган 9 ва 12 қаватли 2 та биноли **IT-park** мажмуаси қурилади. У халқаро стандартлардаги IT академия, инкубация ва акселерация дастурлари, давлат ва хусусий венчур жамғармалари, замонавий жиҳозли, қулай иш ўринлари ва IT муҳит, юридик, бухгалтерия ва маркетинг соҳаларида кўмак бериш каби йўналишларга ихтисослаштирилади. Натижада 50 та иш ўрни яратилади.

Шунингдек, 2022 йилда Олот туманида ҳам Ёшлар технопарки ташкил этилади. Унинг фаолияти Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Ёшлар академияси томонидан мувофиқлаштирилади.

IT парклари барпо этилиши ёшларда фрилансерлик фаолиятини йўлга қўйиш, дастурлаш тилларини мукаммал ўрганиш ва нанотехнологиялардан самарали фойдаланишда кенг имконият яратади. Эътиборлиси эса дастурлаш саводхонлигига эга мутахассислар, талабалар ва ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам катта миқдорда қўшимча даромад олиши мумкин бўлади. Бунга оддий бир мисолни келтириш мумкин. Дейлик, бир дона безак учун тайёрланган дизайн фотоси (фон) интернетда 2 АҚШ долларига сотилади, у бир неча бор юклаб олиниши ҳисобига ҳалиги маблағ 20 долларга айланади.

Ҳозирги пайтда халқаро майдонда буюртма асосида тайёрланадиган бу йирик лойиҳаларга 1,5 миллиард АҚШ долларигача ва кичик лойиҳаларга 50 мингдан 200 минг долларгача ҳақ тўланади. Кўпинча Ҳиндистон, АҚШ каби давлатларнинг IT мутахассислари бундай кичик лойиҳаларни тайёрлашни кам сармояли, деб рад этади. Аммо ривожланаётган давлатлар, мисол учун, бизнинг мутахассисларга бу айни муддаодир. Кичик-кичик лойиҳаларни тайёрлаш ҳисобига катта маблағни қўлга киритиш мумкин.

Умуман, IT парклари атрофида уюшадиган ёш мутахассислар келгусида исталган лойиҳаларни "Лойиҳа + илм" механизми асосида содда, камчиқим, самарали фаолият турига айлантиришлари ҳамда ҳар қандай содда, бироқ кўп меҳнат талаб этадиган фаолиятни рақамлаштириш орқали осонгина амалга оширишлари мумкин бўлади.

**Ҳамза РЎЗИЕВ,**
**«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати Бухоро вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

# Халқаро майдонда миллий манфаатлар кафолати

←1

Халқаро институтларнинг кўпайиши, минтақавий интеграциянинг ўсиши, глобаллашув, демократлаштириш, миллий манфаатлар ҳимояси, тобора кўпайиб бораётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик муаммоларни халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиш зарурати — парламент дипломатиясининг фаоллашишига туртки бўлди.

"Парламент дипломатияси" тушунчаси бўйича бугунги кунда турли таърифлар мавжуд ва қисқача айтганда, бу — давлатлар ўртасидаги ўзаро англашувни кучайтириш, халқ вакиллигини амалга оширишни яхшилашда ҳамкорлик қилиш ҳамда парламент аъзолари томонидан амалга ошириладиган халқаро фаолият мажмуасидир.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишда икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик ёрдамида парламент делегациялари, парламент дўстлик гуруҳлари, минтақавий ва халқаро парламентлар муҳим роль ўйнайди.

Парламент дипломатиясининг халқаро аҳамиятга молик масалалари, асосан, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизлик, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ва иқтисодий ҳамкорлик мавзуларини ўз ичига олади.

Кўп томонлама ҳамкорлик парламент дипломатиясининг асосини ташкил этади ва асосий институционал мулоқот майдони сифатида "халқаро парламент институтлари" назарда тутилади.

Турли халқаро парламент институтлари доирасида парламент аъзолари "келишиш, ишонтириш, тарғибот ёки институционал босим" каби турли усуллар билан амалга ошириладиган ёки тарғиб қилинадиган қарорлар, стратегиялар ёки дастурларни қабул қилиш учун ҳамкорлик қиладилар. Масалан, Парламентлараро Иттифоқ, Европа парламенти, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси, НАТО Парламент Ассамблеяси каби халқаро институтлар турли минтақавий ва халқаро масалаларни ҳал этишда мулоқот майдонлари сифатида намоён бўлмоқда.

Парламент дипломатиясининг самарадорлигига миллий даражада бир қатор омиллар ёрдам беради. Масалан, юқори малака ҳамда тажрибага эга бўлган парламент аъзоларининг кўплиги, парламент дўстлик гуруҳлари каби органларнинг фаол халқаро ҳамкорлиги, парламентда мавжуд бўлган молиявий ва институционал ресурслар, яъни чет давлатларга делегацияларни юбориш имконияти кабилар парламент олдидаги вазифаларни самарали бажаришга кўмаклашади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, парламент дипломатиясининг самарадорлигига эришишнинг муҳим омили сифатида унинг расмий институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу, ўз навбатида, тегишли стратегияларни, концепцияларни, қонунларни қабул қилишни, расмий дипломатик каналлар ва амалиётлар доирасини кенгайтиришни назарда тутади.

Ўзбекистонда Парламент дипломатияси концепциясининг қабул қилинишини халқаро майдонда миллий манфаатларни таъминлашда хизмат қиладиган янги механизмнинг яратилиши сифатида баҳолаш мумкин.

Юқоридагиларга асосан, юртимизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар мақсадларидан келиб чиқиб, бир қатор таклифларни билдириш мақсадга мувофиқ:

— халқаро ва минтақавий парламентлараро ташкилотларда Ўзбекистон учун долзарб бўлган турли масалалар бўйича фаол иштирок этиш, халқаро ва минтақавий муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суришда парламентнинг институтлари ролини кучайтириш;

— қўшни давлатлар билан парламент алоқаларини янада ривожлантириш, янги парламентлараро мулоқот майдонларини шакллантириш;

— Ўзбекистонда парламентлараро халқаро анжуманларни тизимли равишда ўтказиб бориш.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда парламент дипломатиясини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Дониёр ТЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари.**

# Аҳолини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди

*Жиззахда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар атрофлича кўриб чиқилди.*

## Маҳаллий Кенгашларда

Дастлаб Президентимизнинг коронавирус пандемиясига доир Фармон ва қарорларининг жойлардаги ижроси бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Сессияда, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича вилоят дастурининг 2020 йил биринчи чорагидаги ижроси ҳамда ҳудудда ёшларнинг бандлик даражасини ошириш, маҳаллий бюджетнинг ана шу даврдаги ижроси кўриб чиқилди. Шунингдек, пандемия даврида бюджет барқарорлигини таъминлаш, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар асосида вилоятдаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

Ўз навбатида, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси қандай бажарилаётгани кўриб чиқилиб, атрофлича муҳокама қилинди.

Сессияда сўзган чиққан вилоят ҳокими Эргаш Солиев халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясини тузиш ва вилоят ҳокимининг сессиялар оралиғида қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳамда тадбир давомида муҳокамага қўйилган барча масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Шу билан бирга, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётни ривожлантириш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Бетакрор сўз санъаткори

*Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан "Саид Аҳмад — бетакрор сўз санъаткори" мавзуида хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда таниқли шоир ҳамда ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, ёшлар қатнашди.*

## Тадбир

Тадбирда Саид Аҳмаднинг ҳаёт ҳамда ижод йўли, ўзига хос тили ва услуби, асарларида инсоний кечинмаларни юксак маҳорат билан акс эттира олганлиги ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, адиб турли жанрларда, кенг кўламли мавзуларда қалам тебратди. "Уфқ" трилогияси, "Жимжитлик" романи, уч жилдли "Танланган асарлар"и адабиёт мухлислари орасида машҳур. Унинг юмористик маҳорати "Келинлар қўзғолони" ва "Куёв" комедияларида ёрқин намоён бўлган. "Келинлар қўзғолони" асари дунёнинг кўплаб мамлакатларида саҳналаштирилган. Истиқлолнинг, инсоннинг чин қадр-қиммати Саид Аҳмаднинг "Йўқотганларим ва топганларим", "Қоракўз мажнун", "Умрим баёни", "От билан суҳбат", "Азроил ўтган йўлларда" каби қисса ва ҳикояларида баралла янграйди.

Адибнинг миллий адабиётимиз ривожидаги улкан хизматлари муносиб эътироф этилган. У Ўзбекистон Қаҳрамони (1999), "Дўстлик" (1996) ва "Буюк хизматлари учун" (1997) орденлари билан мукофотланган.

— Бетакрор сўз санъаткори, заҳматкаш адиб Саид Аҳмад асарлари теранлиги ҳамда бадиий юксаклиги билан миллий адабиётимиз, маданиятимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилфуза Маҳкамова. — Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, бетакрор романлари, ранг-баранг қисса ва ҳикоялари, саҳна асарларидаги умр манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги ҳамда халқчиллиги билан адабиёт мухлислари меҳрига сазовор бўлган. Адибнинг йирик асарларидан бири "Уфқ" романи XX аср миллат ҳаётининг ўн йиллик даври — Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллар воқеаларини ўз ичига олади. Трилогияни ўша йиллари халқ бошига тушган мусибатлар, инсонлар кўксидаги армонлар, шу ғам-ташвишларни енгишга қодир мислсиз матонат акс этган достон, деб аташ мумкин.

Тадбирда адиб асарлари асосидаги саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## БИЗ ва ЖАҲОН

# «B2Gold» — Ўзбекистон тоғ-кон саноатидаги Канаданинг биринчи инвестори

*Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси маълумотига кўра, Канаданинг "B2Gold Corporation" олтин қазиб чиқариш компанияси вице-президентлари Нейл Редер ва Том Гараган билан видеоконференция ўтказилди. Мазкур мулоқот мамлакат раҳбарияти томонидан геология соҳаси, жумладан, республикадаги истиқболли тармоқларга хориж инвестицияларини жалб қилиш бўйича берилган топшириқларни бажариш доирасида ташкил этилди.*

"B2Gold" ўз йўналиши бўйича Канададаги етакчи компания ҳисобланади. У 2019 йил якунларига кўра ишлаб чиқариш ҳажмини 1 млн. унция (28,3 тонна)га етказгани ҳам бунинг тасдиғидир. Бугунги кунда компания кўплаб мамлакатлар, хусусан, Мали, Намибия ва Филиппинда инвестициявий фаолият олиб боряпти.

Вашингтондаги дипломатик миссиямиз маълумотига кўра, Канада компанияси юртимиз бозорига илк марта 2018 йилда кирган бўлиб, Ўзбекистондаги 2,18 млн. ҳажмдаги инвестициявий лойиҳаларини 2019 йилда муддатидан олдин бажарган бўлса, 2020 йилдаги фаолиятининг умумий бюджети 3 млн. долларни ташкил этади.

Учрашув чоғида тадбиркорлар билан "B2Gold"нинг Навоий вилоятидаги олтин конини ўзлаштириш бўйича инвестициявий лойиҳаси амалга оширилишининг бориши муҳокама қилинди. Шунингдек, иқтисодиётимизга Канададаги бошқа йирик компаниялардан сармоялар жалб қилиш юзасидан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш бўйича сўнгги пайтларда қабул қилинган муҳим қарорлар ҳақида хорижлик инвесторга батафсил маълумот берилди. Хусусан, бунда мамлакат раҳбарияти томонидан тоғ-кон тармоғини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Охирги уч йилда бюджетдан маблағ ажратиш ўсгани, тегишли асбоб-ускуналарнинг учдан бир қисми янгилангани, 850 дан зиёд илғор технологиялар жорий этилганига урғу берилди. Жумладан, 2019 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб замонавий аэрогеографик мажмуа ишга туширилди, конларни тадқиқ қилиш бўйича инновацион методлар татбиқ этилди.

Мамлакатда разведка ишларини амалга ошириш имкониятлари 6 баробар, яъни 17 та фойдали қазилма бўйича кенгайтирилгани, руда таркибида аниқланадиган элементлар сони олдинги 12 тадан 40 тагача кўпайтирилгани чет эллик сармоядорларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Лотин Америкасидаги бир қатор давлатлар ва Филиппиндаги Канаданинг дипломатик миссияларини илгари бошқарган Нейл Ридер суҳбат давомида мамлакатда тоғ-кон тармоғини ислоҳ этиш бўйича рўёбга чиқарилаётган комплекс чора-тадбирлар ҳамда хорижлик инвесторлар учун яратилаётган янги имкониятларга юқори баҳо берди. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда бундан кейин ҳам ўз иштирокини кенгайтириб боришдан манфаатдор эканлигини эътироф этди.

"B2Gold"нинг тадқиқотлар бўйича катта вице-президенти Том Гараган Ўзбекистон ҳудуди ҳали охиригача тадқиқ этилмаганини айтар экан, мазкур йўналишдаги Ўзбекистон — Канада ҳамкорлигини ривожлантириш учун потенциал имкониятларнинг улкан захираси мавжуд эканлигини таъкидлади. Унинг баҳолашича, мамлакат ҳукумати томонидан геологоразведка ва тоғ-кон соҳасига эътиборнинг оширилиши республикада хорижлик инвесторлар иштирокини кенгайтириш мақсадига хизмат қилади.

Ўзбекистонда тармоқ равнақи истиқболлари муҳокамалари чоғида республиканинг ўзида қазиб олинган қимматбаҳо ва рангли металларни қайта ишлаб, сотишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳукумат томонидан маҳаллий корхоналарда табиий ресурслардан фойдаланган ҳолда катта қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга тўхталиб ўтилди.

Канадалик инвесторлар бу борада давлат раҳбарининг мис ва олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мисни бойитиш фабрикалари ҳамда металлургия комплексларини қуриш ташаббусини эътироф этишар экан, бу миллий иқтисодиётни саноатлаштиришда кўп қиррали самара беришини таъкидлашди.

Н. Ридер Канаданинг мазкур соҳадаги етакчи ролига аҳамият қаратган ҳолда "B2Gold" Ўзбекистон корхоналарининг халқаро шериклар билан яқин ҳамкорлигини кучайтиришга кўмак беришга тайёр эканлигини билдирди. Зеро, Торонто етакчи тоғ-кон компанияларининг дунё хаби ҳисобланади. Бинобарин, Канада томони фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган компаниялар, шунингдек, мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритиш истагидаги бошқа ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун Ўзбекистон делегациясини Торонтога таклиф қилди.

**С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**

## Хабар

# Бўзотовда янги корхона

*Мамлакатимиз иқтисодиётининг изчил тараққиётида тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароит таъминлаб берилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, оилалар фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир. Буни Қорақалпоғистон Республикаси тадбиркорлари фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*

Бўзотов туманида "Bozatawtekstil" тикувчилик фабрикаси фаолият бошлади. Хитойдан келтирилган замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган корхона жами 350 та иш ўрнига мўлжалланган.

— Одамларнинг тадбиркор бўлишга интилишига амалий ёрдам берилса, бунёдкорлик янада кенг қулоч ёзади, — дейди корхона раҳбари Шароф Якубов. — Энг муҳими, бу билан кўплаб оилаларга барака киради. Корхонамизда айни пайтда 60 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Улар махсус ўқув курсларида ўқитилди. Яқин келажакда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз турини ошириш ва ишчилар сонини янада кўпайтириш ниятидамиз.

Айтиш жоизки, карантин тартиб-қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритаётган жамоа ҳозирги кунда харидорлар таъби ва бозор талабини ўрганиб тайёрлаётган болалар ҳамда хотин-қизлар учун ёзги мавсумий кийимларини ички бозорга етказиб бермоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ («Халқ сўзи»).**



*Юртимиз қишлоқ хўжалигида кластер тизими ташкил этилиши бошқа йўналишлар қаторида фармацевтика саноатида ҳам доривор ўсимликларга бўлган талабни қондириш билан бирга, қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш ва қўшимча қиймат "занжири"ни яратиш, соҳанинг экспорт потенциалини ошириш борасида кенг кўламли ишларга замин яратди.*

# Доривор ўсимликлар етиштирадиган кластер иш бошлади

Президентимизнинг 2020 йил 10 апрелдаги "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳадаги яна

## Қарор ва ижро

бир тармоқнинг ривожланишига асос бўлди. Натижада ёввойи ҳолда ўсувчи ноёб доривор ўсимликларни сақлаш, маданийлаштириб, кўпайтириш учун оналик майдонлари барпо этиш, улар кўчатчилиги ва уруғчилигини ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида "Қуёшли узумзори" фермер хўжалиги доривор ва зиравор ўсимликлар кластерига айлантирилди. Бу, аввало, юртимиз фармацевтика саноати учун хом ашё тайёрлаш ҳамда доривор ўсимликларни экспорт қилишга қаратилган.

Айни пайтда унинг тасарруфидаги 50 гектар ер майдонида ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган гавзабон, сассиқковрак ва қизилмия (ширинмия) доривор ўсимликлари экилиб, парваришланмоқда. Режага кўра, ажратилган майдондан шу йилнинг декабрь ойида 2 минг тонна доривор ўсимлик олиниб, 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).**

# ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

*Инсон фарзанди ҳар нафасда эркинликка, ҳурриятга интилади. Аммо бу неъмат ҳар кимга ҳам насиб қилавермас экан. Биз биламиз — халқимиз жудаям узоқ давом этган мустабидлик замонини бошидан кечирди. Ўта пухталик ва режа билан миллий қадриятлардан жудо қилинаёздик.*

## Дил сўзи

Мустабидлик даврининг жароҳатларини, асоратларини айтган билан адо бўлмайди. Аммо истиқлол чўққиларидан туриб ўша замонни, халқимиз бошига тушган мусибатларни эсламаслик, уларни бугунги озод ва ҳур замон билан, дориламон кунлар билан қиёсламаслик мумкин эмас. Ана шундагина мустақилликдек буюк неъматнинг қадрини, аҳамиятини янада чуқур англаймиз.

Истиқлолимизнинг ўтган даврида халқимиз жуда қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Собиқ иттифоқнинг ночорликдан парчаланиши туфайли атайин марказлаштирилган мамлакатлар таъминоти тўхтаб қолганди. Масалан, Ўзбекистоннинг тупроғи олтинга тенг бўлгани билан юртимизда деярли ғалла етиштирилмас, пахтадан мўл ҳосил олиш учун ҳам ёнилғи-мойлаш материаллари марказдан олиниши керак эди. Ана шу марказлашган тизим издан чиққандан сўнг Ўзбекистонда хўжалик юритиш қандай аҳволга тушиб қолганини кўз олдингизга келтираверинг.

Мамлакатимизда олиб борилган адолатли, изчил ва барқарор сиёсат мустақил мамлакатимиз тепасида айланган ўша қора булутларни тарқатиб юборди.

Яхши эслайман: ўша йиллари, айтиш мумкинки, ҳозир ҳам ўзларини миллатпарвар, деб эълон қилган баъзи кучлар "Ўзбекистон халқи ҳаммадан кўп нон истеъмол қилади!" деб айюҳаннос солган эдилар. Қаранг-а, барча кўргиликларга сабаб ноннинг кўп истеъмол қилиниши экан. Аслида, муаммолар негизи бюрократияга асосланган иқтисодий тизим, халқ ва инсон тақдирига адолатсизларча муносабатда эди.

Шукрки, бу муаммолар ўз вақтида англаб етилди, уларни ҳал этиш борасида комплекс чора-тадбирлар кўрилди. Тинчлик-хотиржамлик — тараққиёт пойдевори, деган эзгу ғоя асосида халқимиз ривожланишнинг янги йўлига олиб чиқилди. Бу ёруғ йўлнинг ҳаётбахш самараларини барчамиз ўз тақдиримиз мисолида ҳис қиламиз.

Мисол учун, Сурхондарё — мамлакатимизнинг жанубий, демакки, нисбатан олганда, пойтахтдан узоқ вилоятларидан бири. Аммо бизнинг воҳада ҳам Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар кўчага сиғмайди. Ҳар бир хонадонда замонавий телевизор, музлаткич, компьютер. Бу иқтисодий-ижтимоий барометрдир! Халқимизнинг фаровон ҳаётини шундан ҳам билса бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг чуқур ўйланган, халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошираётган ишлари Ўзбекистоннинг дунёдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Кейинги уч йилда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистоннинг янги қиёфаси янада салобатлашиб, улуғворлашиб, кўркамлашиб бораётганини халқаро сиёсатчилар, мутахассис ва экспертлар ҳам эътироф этишмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Биргина мисол: бундан уч йил олдин Термизда бўлган киши бугунги кунда бу ерга келса, шаҳарни танимай қолиши турган гап. Чунки кўҳна ва ҳамиша навқирон кентда пухта режа асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан унинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган. Термизда бир вақтлардаги мункиллаган эски бинолар, қоқ пешинда ҳам қуёш нурини кўрмайдиган тор кўчалар қолмади ҳисоб. Ҳаким ат-Термизий мажмуаси, Сўфи Оллоёр жомемасжиди, Жарқўрғон минораси, Султон Саодат ансамбли тўлиқ таъмирланди. Йўллар кенгайтирилиб, замонавий тураржой бинолари қурилмоқда.

Энг муҳими, юртимиздаги ободлик онгу руҳимизга, қалбимизга кўчмоқда. Бугун ҳар биримиз истиқлол — бахтимиз қомуси эканини юракдан чуқур ҳис қилиб, унинг бардавом бўлиши, мустаҳкамлиги учун курашиб, яшамоқдамиз. Ҳаммамиз эл-юрт тақдирига дахлдор эканимизни теран англаяпмиз. Аслида, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад-муддао ҳам шу!

**Тоштемир ТУРДИЕВ,
Денов тумани маънавият-маърифат бўлими раҳбари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,
«Дўстлик» ордени соҳиби.**

ЭЪЛОНЛАР

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ
БОШҚАРУВИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

MIKROKREDITBANK

Мазкур танловда юқори иқтисодий малакага эга бўлган хорижлик ватандошлар қатнашишлари мумкин. Танлов икки босқичда ўтказилади.

**Биринчи босқичда** даъвогарларнинг тақдим этган ҳужжатлари ўрнатилган талабларга мос келиши кўриб чиқилади.

Танлов иштирокчиларига ўрнатилган талаблар:
— иқтисодий йўналишдаги олий маълумот;
— банк соҳасида юқори малака ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш тажрибаси ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш;
— давлат тили, рус ҳамда инглиз тилларида эркин мулоқот қилиш;
— лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқаришда замонавий инновацион усулларни қўллаш қобилиятига эга бўлиш.

Даъвогарлар ўрнатилган талабларга жавоб беришларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга қуйида келтирилганларни илова қилиши лозим:
— даъвогарнинг танлов шартлари ва унинг ўтказилиш тартиби билан танишганлиги баён этилган аризаси;
— даъвогарнинг паспорт нусхаси ҳамда анкета (резьюме) кўринишидаги шахсий ва иш фаолияти тўғрисидаги маълумотлари.

**Иккинчи босқичда** биринчи босқичдан ўтган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар банк кенгашига тегишли қарор қабул қилиш учун киритилади.

Берилган саволларнинг жавоблари билан бирга, номзоднинг хушмуомалалиги, таҳлилий фикрлаши, стрессга чидамлилиги, жамоа билан ишлай билиши, ижодкорлиги, инновацион ғоялар билан боғлиқ қобилияти баҳоланади.

Ҳужжатлар 2020 йил 10 июндан 23 июнгача қабул қилинади. Ўрнатилган муддатдан сўнг тақдим этилган ҳужжатлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Танлов 2020 йил 25 июнь куни ўтказилади.

**Изоҳ:**
1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги қарорига асосан, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижро органи раҳбари ҳамда раҳбар ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.
2) Тақдим этилган ҳужжатлар номзодларга қайтариб берилмайди. Танлов натижаси тўғрисида фақат мазкур босқичдан ўтган номзодларга хабар берилади.

**Ҳужжатлар 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уйда қабул қилинади.
Қўшимча маълумотларни 71-202-99-99 (1022,1024) телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, олишингиз мумкин. Электрон манзил: kadr@mikrokreditbank.uz**

314R/

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ



РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

2020/2021 ўқув йили учун 2013 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қизларни

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАМДА МУСИҚА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА

танлов асосида ўқишга қабул қилади.

Қабул бўйича ахборотни (ариза нусхаси ва керакли ҳужжатларни) «@RISMIART» телеграмм каналидан топасиз.
Ариза ва ҳужжатлар 2020 йил 15 июндан 15 июлгача info@rismi-artschool.uz орқали қабул қилинади.

**Манзил: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 1-«А» уй.
Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 141, 135. Маршруткалар: 128, 127, 18, 182.
Телефонлар: 71-274-92-21, 71-274-96-45, 71-274-96-44.**

312R/

Павел Беньков номидаги республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби

2020/2021 ўқув йили учун 7-синфни тугатган иқтидорли ўқувчилар қабулини эълон қилади.

Ҳужжатларни 2020 йил 1 июндан 30 июнгача топшириш мумкин.

**Танловда қатнашиш учун ўқувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**
— директор номига ариза (йўналиши, мутахассислиги, ўқиш тили кўрсатилган ҳолда);
— туғилганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
— 7-синф якуни бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳақида табель. Болалар мусиқа ва санъат мактабларини тамомлаганлиги тўғрисида гувоҳнома (мавжуд бўлса);
— 086-У ва 0-63 шакллар бўйича маълумотномалар;
— 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат (JPG вариантида);
— таълим йўналишлари бўйича ўқувчининг истеъдод ва иқтидорини кўрсатувчи ишларидан намуналар (диплом, фахрий ёрлиқ, фотосурат ҳамда бошқа ижодий ишлар намуналари — агар мавжуд бўлса);
— чет эл фуқаролари қонунда белгиланган тартибда қабул қилинади.

*Ҳужжатлар қуйидаги электрон почта орқали сканер ҳолатда онлайн қабул қилинади.*

benkovqabul2020 benkovqabul2020@umail.uz

313R/






# ЭЗГУЛИК ЧЕГАРА ТАНЛАМАЙДИ

1

## Бошқа давлатлар тақдирига ҳам бефарқ эмас

Пандемия даврида Ўзбекистон нафақат ўз халқи, балки бошқа мамлакатлар тақдирига ҳам бефарқ қараб турмади. Бу бежиз эмас. Кейинги йилларда ташқи сиёсатимиздаги янги руҳ, прагматик қараш давлатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширишда муҳим аҳамият касб этяпти.

Коронавирусга қарши самарали курашишда бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш тутиш лозим эканлигини Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 10 апрель куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги нутқида алоҳида таъкидлади.

Пандемия даврида Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ўзига хос устувор йўналиш коронавирусдан азият чекаётган мамлакатларга инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлди.

Қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон яқин, қўшни ва ҳамкор мамлакатларга дўстона ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Ўзбекистон Президентининг топшириғига биноан, Хитой, Эрон, Венгрия, Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь ва бошқа давлатларга инсонпарварлик ёрдами етказиб берилди.



## Ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин намунаси

*Ўзбекистон ҳамда Хитой ўртасидаги муносабатлар ҳурмат, ишонч ва дўстлик асосига қурилган. Икки давлат коронавирус инфекциясига қарши давом этаётган курашнинг энг мураккаб даврида ўзаро кўмак ҳамда гуманитар ёрдам кўрсатишда алоҳида намуна бўлди.*

Шу йил апрель ойининг иккинчи ярмида ушбу хавфли вирус билан касалланганларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш соҳасида Хитойнинг улкан амалий тажрибага эга етакчи врачлари гуруҳи мамлакатимизда бўлди. Хитойлик мутахассислар юксак профессионал маҳорат намойиш этиб, уларнинг мамлакатимиз ҳудудларидаги машаққатли меҳнати пандемияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Албатта, бу шаклдаги инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишга даставвал Ўзбекистон ташаббускор бўлганини алоҳида қайд этиш зарур. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 февралда Хитой Халқ Республикасига инсонпарварлик ёрдамини юбориш тўғрисидаги фармойишни имзолаган эди. 12 февраль куни Хитой Халқ Республикасининг Хубей провинциясига инсонпарварлик ёрдами юборилди. Гуманитар юк таркибида тиббий йўналишдаги энг зарур махсулотлар — бир марталик стерил тиббий қўлқоплар, ҳимоя комбинезонлари, юз учун фильтрловчи ниқоблар бор эди.

Орадан яна бир ойча вақт ўтиб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда инсонпарварлик ёрдамининг иккинчи босқичи шакллантирилди.

**Цзян Янь,**
**ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



*— Хитойнинг Хубей провинциясида коронавирус аниқланган дастлабки кунларданоқ Хитой ҳукумати ҳамда халқи мамлакат раҳбари Си Цзиньпин бошчилигида мазкур касалликка қарши курашиш борасида қатъий ва мақсадли чораларни кўрди.*

*Айнан мана шундай долзарб кунларда Хитой халқи Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шакллантирилган инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олди. Тўғриси, бу ҳар қандай кишини тўлқинлантиради. Хитойда шундай гап бор: "Дўстлар бир-бирига оғир кунда ёрдам бериши керак". Бу ўзбек халқининг "Дўст кулфатда билинар" деган мақоли билан ҳамоҳанг. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқи томонидан кўрсатилган беминнат ёрдамни чуқур ҳис этиб турибмиз. Бундай илиқ муносабатни Хитой юксак қадрлайди.*

*Ўзбекистон ва Хитой азалий дўст. Мамлакатларимиз ўртасида кенг кўламли стратегик шериклик мунтазам ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг навбатдаги дадил қадами, ушбу тадбир, мана шу инсонпарварлик юки ҳам икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги юқори даражасини акс эттиради. Биз яхши англаймизки, бу шунчаки юк эмас. Чин юртига керакли маҳсулотлар билан бирга чуқур бирдамлик ҳис-туйғуси йўлланмоқда.*

## Бир-бирига ҳамдард, елкадош

*16 март куни Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ коронавируснинг олдини олиш чора-тадбирларига кўмаклашиш мақсадида Эрон Ислом Республикасига инсонпарварлик ёрдами юборилди.*

Давлат раҳбари топшириғига асосан Эроннинг ёрдам сўраб қилган мурожаатини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мазкур хавфли инфекцияга қарши курашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида стерил тиббий қўлқоплар, ҳимоя комбинезонлари, махсус тиббий формалар, ниқоблар, дока, спирт, гигиеник геллар ва дори воситалари сингари умумий оғирлиги қарийб олти тонна бўлган тиббий буюмлар шаклида инсонпарварлик ёрдами юборилган.

**Ҳамид НАЕРАБАДИ,**
**Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



*— Ҳаёт қувончли ҳамда қайғули кунлардан иборат. Коронавируснинг жаҳон бўйлаб тарқалиши ҳам дунё халқлари учун катта синов. Бу бўҳронли кунларда бир-биримизга ҳамдард, елкадош бўлишимиз керак.*

*Мамлакатларимиз маданиятида умумий тушунча бор: ҳақиқий дўст бошга оғир кун тушганда, ғаму шодликларда бирга бўлади. Эрон Ислом Республикаси ҳукумати ҳамда халқимиз номидан Ўзбекистон ҳукумати ва дўст, биродар халқига, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорлик билдирамиз. Умид қиламизки, бутун жаҳон аҳли коронавирусни биргаликда енгиб ўтади.*

## Қардош элнинг ришталари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғи билан қардош Қирғизистон халқига юборилган инсонпарварлик ёрдами темир йўл орқали шу йилнинг 1 апрелида Ўш шаҳрига етказилди.

Ўзбекистондан жами 17 вагонда юк олиб келинди. Жумладан, минг тонна ун, 7 мингта ҳимоя кийими, 7 мингта респиратор, 20 минг жуфт қўлқоп ва бошқа тиббий воситалар Қирғизистон томонига топширилди.

**Эдил ОСМОНБЕТОВ,**
**Қирғизистон ташқи алоқалар ва хавфсизлик кенгаши ҳамраиси:**



*— Ўзбекистоннинг оғир вазиятда кўрсатган ёрдамини қирғиз халқи олқишлайди. Ушбу олижаноб қадам минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва ўзаро муносабатларни яхшилашга интилаётган мутлақо бошқа Марказий Осиёни кўраётганимиздан далолат беради. Бу ишонч ва тушуниш муҳитидир.*

*Коронавирус пандемияси даврида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон барча муаммоларни ҳал қилиш учун ҳар томонлама ўрнак бўлмоқда. Қирғизистон ва Ўзбекистон муносабатлари эса ўзаро ишонч даражасига кўтарилгани муҳим аҳамиятга эга.*

*Гуманитар ёрдам келажакда яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли муносабатлар ва стратегик ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.*

**Бакит БАКЕТАЕВ,**
**сиёсатшунос ва жамоат арбоби:**



*— Қардош Ўзбекистон кўп асрлик қўшнисига дўстлик қўлларини узатди. Қирғизистон халқи яна бир бор икки давлат ўртасидаги қардошлик ва стратегик шериклик ришталари бундан-да мустаҳкам бўлишига ишонади.*

*Коронавирус пандемияси даврида қирғиз халқига кўрсатилаётган гуманитар ёрдам икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш зарурлигининг яққол тасдиғи бўлади.*

*Пандемия пайтида Президент Шавкат Мирзиёев шарқона инсонпарварлик намунаси ва донолигини намойиш этди. Бу кўпчилик учун ўрнак бўлиши керак.*

## Биродар халққа ёрдам

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биродар Беларусь халқига дўстона ёрдами икки мамлакат халқлари бирдамлиги, бирлигининг яна бир ифодаси бўлди. Аллақачон глобал муаммога айланган коронавирусга тезроқ барҳам бериш дунё халқларининг бир мақсад йўлидаги ҳамкорлиги ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларига бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Президентининг биродар Беларусь халқига тиббий маҳсулотлардан иборат дўстона ёрдами шакллантирилиб, махсус рейс орқали юборилган эди.*

**Борис АНДРОСЮК,**
**Беларусь соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:**



*— Мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва барча тиббиёт ходимлари номидан шундай қийин вазиятда ёрдам қўлини чўзган ўзбек халқига миннатдорлик билдираман. Ушбу гигиеник воситалар коронавирусга қарши курашишда жуда муҳим ҳисобланади. Бу ҳозирги қийин ҳолатда дўст ўзбек халқи томонидан ажойиб қадам бўлди. Барчаси учун раҳмат.*

**Аркадий ШКЛЯР,**
**педагогика фанлари доктори, профессор:**



*— Қадрли ўзбек биродарларимиз! Ўзбекистон Президентининг Беларусь халқига коронавирусга қарши курашишдаги ёрдамини мен катта мамнуният билан қабул қилдим. Аёвсиз уруш йилларида Россия, Украина, Беларусдан эвакуация қилинган минглаб қариялар, аёллар, болаларни ўзбек халқи, ўзбек оилалари қучоқ очиб кутиб олиб, бир бурда нонини бўлишиб еганига гувоҳ бўлганмиз. Мана, бугун биз яна ўзбек халқининг буюклигини кўрмоқдамиз. Бошим ерга теккунга қадар қадрдон ўзбек халқига, унинг Президентига таъзимдаман.*

**Ольга САМУСЕВИЧ,**
**Беларусь давлат университети декани:**



*— Ўзбекистон Президенти ва давлатингизнинг ушбу ёрдами икки биродар халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ҳеч қандай эпидемия, ҳеч қандай душман бизнинг ҳамкорлигимизга хавф сола олмаслигидан далолат. Аксинча, шундай кунларда ҳақиқий дўстлар, ишончли шериклар сараланади. Барчага ўз миннатдорлигимни билдираман.*

## «Ҳақиқий дўст бошга ташвиш тушганда билинар экан»

*Мамлакатимизнинг Венгрия халқига кўрсатган инсонпарварлик ёрдами Европа ҳамжамияти томонидан ҳам чуқур ҳурмат билан кутиб олинди. Венгрия ҳукумати вакиллари бундай кўмак учун ўз миннатдорлигини яшириб ўтирмади.*

**Петер СИЙЯРТО,**
**Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири:**



*— Соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли саломатлигини асрашдаги муҳим восита зарур ҳимоя воситаларига эга бўлиш ҳисобланади. Шу мақсадда биз бир қанча давлатларга ёрдам сўраб мурожаат қилдик.*

*Хитой, Туркия ва Ўзбекистон бизга ёрдам қўлини чўзди. Ўзбекистон ҳукумати Венгрияга 150 минг тиббий ниқоб ва бошқа ҳимоя воситалари етказиб берди. Ўзбекистон ҳукуматига кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этаман. Ҳақиқий дўст бошга ташвиш тушганда билинар экан.*

## «Ўзбекистон кўмагини ҳар бир афғон фуқароси чуқур ҳис қилади»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, коронавирус тарқалишининг олдини олишда кўмак бериш мақсадида шу йилнинг 3 апрелида Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.*

Афғонистон фавқулодда вазиятлар бўйича давлат вазири Н. Фаҳимнинг айтишича, Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, мамлакат иқтисодиёти ва инфратузилмасини тиклашдаги роли юқори.

— Ҳақиқий дўст қийин пайтда билинади, деб бежиз айтилмайди. Бу ибора бугун яна бир карра ўз исботини топди, — дейди вазир Н. Фаҳим. — Ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти ва халқига тинчлик-омонлик, саломатлик тилаймиз.

Балх вилояти губернатори И. Рахгузарнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон қардош давлат сифатида Афғонистонда бўлаётган жараёнларга бефарқ эмаслигини ҳар бир афғон фуқароси чуқур ҳис қилади.

## «Ўзбекистон COVID-19 даврида Марказий Осиё дипломатиясида етакчилик қилмоқда»

*Айни шу сарлавҳада "The Diplomat" халқаро ихтисослашган нашрида эълон қилинган мақолада пандемия даврида Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро муносабатлардаги ташаббуслари эътироф этилади.*

Мақола муаллифи, журнал бош муҳаррири Кэтрин Путцнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати ушбу вазиятда стратегик жиҳатдан мулоқот ва ҳамкорлик учун самарали ҳисобланади. Ўзбекистон раҳбарининг ҳамкорликка содиқлик, айниқса, Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ушбу жараёнларга Афғонистонни жалб қилишдаги интилишлари унинг ўзига хос тутумига чизгилардир.

Путцнинг сўзларига кўра, Афғонистон ушбу минтақада COVID-19 инфекцияси билан энг оғир зарарланиши мумкин бўлган ҳудуд бўлиб, эпидемияга қарши ўз кучлари билан кураша олиши даргумон. Бунга мамлакатда фуқаролар урушининг узоқ йиллар давом этгани, қийин сиёсий ва иқтисодий вазият ҳукм сураётгани сабаб. "Шу боис Ўзбекистон томонидан Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамининг жўнатилгани муҳим ва ўз вақтида амалга оширилди", дейди у.

## Яхши қўшничилик йўли

*Жорий йилнинг 9 апрель куни Ўзбекистон Тожикистонга дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган 18 та темир йўл вагонини жўнатди. Президентимиз топшириғи билан 8 май куни саккиз нафар ўзбекистонлик вирусолог ва 10 тонна тиббий асбоб-ускуналар, шу жумладан, 10 та ўпкани сунъий вентиляция қилиш аппарати Душанбега юборилди.*

— Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда коронавирусга чалиниш билан боғлиқ биринчи ҳолат аниқланган кундан бошлаб, касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича тезкор ва қатъий чораларни кўрди, — дейди Тожикистон Миллий фанлар академиясининг Осиё ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими Виктор Ким. — Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсий тутуми ва Тожикистон билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ғояларига содиқ қолмоқда.

— Тақдим этилган тиббий буюмлар шифокорларнинг COVID-19га қарши курашишларида асқатади, — деди Тожикистон сиёсатшунослар миллий ассоциацияси раиси Абдуғани Мамадазимов. — Қардош Ўзбекистон томонидан юборилган инсонпарварлик ёрдами мамлакатимизда миллий соғлиқни сақлаш тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Марказий Осиёда пандемия тарқалишига қарши биргаликда курашишда ёрдам беради.

Буларнинг барчаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда пандемияни тўхтатишга ва шу билан бирга, дунёда коронавирус тарқалишига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат.

**О. ФАЙЗИЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 487 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6